

Бухоро ҳукумати ва Бухоро амирининг уч юзи букун ўртага чиккан,  
«маъфиу-л-замири[1]» маълум бўлгайдир.

Русия инкилоби. Императорнинг тахтдан тушгани, рус ҳукуматининг халқ кўлига кўчдиги Бухоро ҳукуматига инкилобнинг ҳақиқати ва инкилобчиларнинг тилакларини билдурди. Инкилобчиларнинг химоясига сизинган ёшлардан Бухоро ҳукумати бироқ кўрқди. Кўб ўйловлар, тушунчалар ва қарорсизликлардан сўнг белгули бир қарорга келди. Ўзи учун икки йўл тайин этди: виждон ва имонларини сотатурган «окча кули» афандиларни сотиб олмоқ ва олтун тузукга тушмас ёхуд олтунга қарамастарини турли бахоналар билан у дунёга юбормак!

Бундан биринчи йўлни амирнинг ўзи қабул қилиб, иккинчисини қушбегисига[2] ҳавола этди.

Амир жаноблари юборган «эхсон»нинг қобуғини очиб ярамас, арзимас қимсаларга меҳроҳўрлик[3], тўхсобалиқ[4] рутбаларини бағишламоқ, ҳатто фоҳиша хотунларига мадраса мутаваллиликларини бермак йўли билан ўзига тарафдор тўплаб турубдир. Қушбегиси эса, анғиз исийун[5] мазмунини эсга келтирур йўллар билан ёзиксиз, гуноҳсиз қимсаларни маҳв қилмоқ ила машғул!

Ҳукуматдан бўлмаган ва қўнғлидагини тилинда олган мазлумларни ўғрилиқ тухматила тутдириб, қинаб[6] иқрор қилдирмоқ бахонаси билан яланғоч қоринларига юз-икки юз таёқ ургандан кейин тарбуз суйи ичирадир. Бечоралар тарбуз суйини ичкандан сўнг шишиб ўларлар!.. Сўнг бир ой муддатда шу сурат билан ўлганларнинг сони юз эллиқдан ортмишдир.

Яқинларда яна қушбегининг қилони[7] билан бўғдирилган икки ёш бухорийнинг шаҳодатларини газитга ёзган эдик[8], бу қун олдиғимиз ҳабарга қўра, Бухоро амира амлоқига, иккинчисининг ақлига буюқ бир муосийлар[9] берибдир. Яъни бу жинойтнинг ўз иши ва ҳуқуқини ҳаракати билан исбот қилибдур. Мана шу сўнг ходисалар, зулмлар ва инсофсизликлар Бухоро ҳукуматининг «маъфиу-л-за-мири»ни онғлатадир. Ортик Бухоро ислохоти йўлинда чин қўнғил ва ўз тилағи билан баённома чиқарган бир «жинояли»[10] ва у баённомани юрутмоқ учун тайин бўлган бир «вазуротпаноҳи»[11] йўқдир. Бунлар ёлғон ва бўш сўзлардир. Бунлар зулм қуллари билан қурулган тузуклардир. Бунларга ишонмоқ ўзимизни алдамоқдир.

Энди Бухоро ёшлари учун лозимдирким «баённома – ҳамма бунга қўмақ этмак»[12] шиорини мияларидан чиқаргайлар. Бухоро инкилобини истар эсалар, инкилобчиларга ярашур ҳаракатлар қилгайлар. Яхши сўзлар билан, тавозелар билан, ёлборишлар билан Бухоро ҳукуматини йўлга кетурмак бўлмас. Золимнинг «...» табиатига ўхшаш бир табиати бордир: қочганга қувар, қувганга қочар. Золимларнинг шу табиатларини, шу «аҳволи руҳия»ларини қўзда тутмайин ҳаракат қилатурганлар(нинг) ҳато йўлдадирлар, зарар қўрарлар. Қўрқмайин, тортинмайин қескинроқ ҳаракат қилмоқ керак бу қун: Русия харобаларидан қикган Қафқос, Турқман, Тотор, Турқистоннинг мухтор ҳукуматлари

Бухоро ёшлигига[13] хар жихатдан кўмак киларлар. Адолат, хуррият ва машварат билан идора бўлатурган бу мухториятли ислом ўлкалари ёнинда Бухородаги зулм химоянинг йиқилури мукаррардир. Мунча адолат ва хакконият куёшлари билан ёруган, ойдинлашган бир китъанинг ўта сохта, инсофсизлик коронгуси туролмас, йўколур.

(«Хуррият», 1918 йил, 62-сон)

[1] мафъиу-л-замири — замирига (остига) яширилган нарса.

[2] кушбегиси — Бухоро амири Олимхоннинг кушбегиси Насруллохбий парвоначи назардатутилади. Хозирги бош вазирга якин лавозим.

[3] мехрохўр — йигилган соликларни кабул килувчи.

[4] тўхсобалик — Бухоро амирлигидаги олий харбий вазифалардан. Негадир лугатларда «тўксабо» деб форсча талаффуз билан берилган. Бу асл туркча сўз «Фарханги забони точики» да нисбатан тўгри ёзилган: Фарханги забони точики, 2-жилд, Москва, 1969, 383-бет.

[5] ангиз исийун — «ангиз» касд, касос. Касос олишни тезлатиш маъносида.

[6] кинаб — кийнок, азоб бериш.

[7] пилон — режа, план.

[8] «Хуррият» газетасининг 57—58-сонларидаги Бухородаги ахволга тааллуқли маколалар назарда тутилади.

[9] муосий — гунохкорлик.

[10] жинояли — жинояткорона демокчи. Бухоро амири Олимхоннинг 1918 йил 17 март Фармони назарда тутилади. Фармоннинг тўла матни учун каранг: Ф. Хўжаев. Танланган асарлар, уч томлик, 1-том, Тошкент, 1976, 108— 109-бетлар.

[11] вазуротпанох — вазирлар кенгаши.

[12] «баённома — хамма бунга кўмак этмак» шиори ёш бухоролилар партиясининг «Колесов вокеалари» деб номланган вокеаларгача бўлган шиори бўлиб, дастлаб улар амирдан ислохот талаб килган эдилар. Кейинрок март вокеаларида амир гарчи ислохот ваъда килган юкоридаги баённомани чиқарган бўлса-да, вокеалар рус харбийларининг аралашуви билан жанговар тус олиб кетганди.

[13] Бухоро ёшлиги — еш бухоролилар партияси.